# Тошкент оқшоми

2015 йил 24 ноябрь, сешанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 232 (13.045)

Баҳоси эркин нархда


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*Қ А Р О Р И*

## 2015 ЙИЛ 5 ДЕКАБРЬ ШАНБА ДАМ ОЛИШ КУНИНИ 2015 ЙИЛ 7 ДЕКАБРЬ ДУШАНБА КУНИГА КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини нишонлаш муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2015 йил 5 декабрь шанба дам олиш куни 2015 йил 7 декабрь душанба кунига кўчирилсин;

2015 йил 5 декабрь шанба куни иш куни деб эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2015 йил 20 ноябрь*

## ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

***Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 23 ноябрь куни Ўзбекистон ва Корея Республикаси ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.***

Ўзаро савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган мазкур тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, нефть-газ, геология ва минерал ресурслар, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, автомобилсозлик, озиқ-овқат ва кимё саноати, фармацевтика, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, ахборот технологиялари, электротехника, коммунал хизмат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири ўринбосари Шавкат Тўлаганов, Корея Республикаси савдо, саноат ва энергетика вазири ўринбосари У Тэ Хи, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ли Ук Хон мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар асосида барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Хусусан, Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йилнинг май ойида Корея Республикасига давлат ташрифи икки томонлама алоқаларни янада юқори босқичга олиб чиқди.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг ишончли ва узоқ муддатли стратегик ҳамкорларидан. Икки давлат ўртасида савдо алоқалари борасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Мамлакатларимиз ўртасида имзоланган савдо, инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф қилишга оид битимлар савдо-иқтисодий алоқалар ривожига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг барқарор ривожланаётган иқтисодиёти, қулай жўғрофий жойлашуви, замонавий транспорт коммуникациялари, сармоя жалб этиш бўйича пухта ва ишончли стратегияси кўплаб давлатлар қатори Корея Республикаси ишбилармонларининг ҳам ҳамкорликка қизиқишини оширмоқда. Ўзбекистонда Корея Республикасининг 72 етакчи фирма ва компанияси ваколатхонаси, ушбу мамлакат сармоядорлари иштирокида тузилган 439 корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар нефть-газ, нефть-кимё, тоғ-кон металлургияси, машинасозлик, савдо, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, соғлиқни сақлаш, электр техникаси каби қатор соҳаларда иш юритади. 2014 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2 миллиард АҚШ долларини, жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 1,2 миллиард долларни ташкил этди.

Форумда Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мамлакатларимиз улкан салоҳиятга эга экани алоҳида қайд этилди.

– Ўзбекистон Жанубий Кореянинг Марказий Осиёдаги асосий шериги ва стратегик ҳамкоридир, – деди Корея Республикаси савдо, саноат ва энергетика вазири ўринбосари У Тэ Хи, – Президент Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётни таркибий ўзгартириш борасида амалга оширилаётган ишлар самарасида Ўзбекистон иқтисодиёти изчил ва барқарор ривожланмоқда. Сўнгги ўн бир йил давомида Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулот ўсиши 8 фоиздан ошаётгани бунинг яққол далилидир. Жанубий Корея компаниялари бу ерда турли соҳаларда ўз бизнесини муваффақиятли амалга оширмоқда. Ушбу бизнес-форум икки томонлама фаол савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш имконини беради.

(Давоми 2-бетда)

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Элкин Шамсиддинов олган сурат

**Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда**

## XXI АСР — ЮКСАК САЛОҲИЯТЛИ АВЛОД АСРИ

***Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг ўсиш суръатлари дунё ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилмоқда. Бу бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишнинг пухта ўйланган стратегияси, айни пайтда илм-фанни ривожлантириш, таълим соҳасини ислоҳ этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар самарасидир.***

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида Ёшлар ҳафталиги доирасида ташкил этилган "XXI аср – интеллектуал авлод асри" шиори остидаги ёш олим ва талабаларнинг илмий-амалий конференциясида шулар ҳақида сўз борди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев, Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармаси директори А.Пардаев, олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Б.Усмонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида навқирон авлодни интеллектуал салоҳиятли, зукко қилиб тарбиялаш, уларга пухта билим бериш тизимини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги қонун ёшларнинг пухта билим олиши, иқтидорини тўла намоён этиши, жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Турли конференциялар, илмий-амалий анжуманлар, кўрик-танловлар, фан олимпиадалари, фестиваллар ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар мамлакатимизда фан ва технологиялар модернизацияси борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, замонавий маданият, иқтисодиёт, техника ва технология ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш, ёш олимларнинг инновацион ғоя ва ишланмаларини амалиётга татбиқ қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "XXI аср – интеллектуал авлод асри" илмий-амалий конференцияси ана шундай лойиҳалардан биридир.

Конференциянинг ҳудудий босқичлари шу йилнинг май-июнь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртларида ўтказилди. Ҳудудий босқичларда ғолиб бўлган уч юзга яқин ёшлар конференциянинг якуний босқичида қатнашди.

Конференция давомида "Ижтимоий-гуманитар фанлар", "Табиий фанлар", "Аниқ фанлар", "Техника фанлари" шўъбаларида 60 тадқиқотчининг илмий изланишлари соҳа мутахассислари иштирокида муҳокама этилди.

– Анжуманда паст кучланишли электр тармоқларидаги юкламалар носимметриялигида қўшимча исрофлар ва электр энергиясининг сифат кўрсаткичларини қайд қилувчи "Малика" қурилмаси ҳақидаги маърузам билан иштирок этдим, – дейди Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети катта илмий ходим-изланувчиси Илҳом Холиддинов. – Бу борадаги изланишларим энергия тежаш ва улардан самарали фойдаланиш тизимини янада такомиллаштиришда қўл келади.

– "XX асрнинг 80-90-йилларидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар" мавзусида тадқиқот олиб бормоқдаман, – дейди Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети магистранти Исломбек Бобожонов. – Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" асари илмий ишимнинг методологик асосидир.

Конференция якунида энг яхши илмий мақолалар муаллифлари ташкилотчилар томонидан муносиб рағбатлантирилди.

Конференция иши Ёшлар ҳафталигининг интернетдаги расмий саҳифаси – www.youthweek.uz сайти орқали онлайн тарзда ёритиб борилмоқда.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

**Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари**

## ХОЛИСЛИК ВА ҲАҚҚОНИЙЛИК — АСОСИЙ МЕЗОН

***Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан "Ҳаёт ҳақиқатини акс эттиришда журналист позицияси: ютуқ, тажриба ва истиқболдаги вазифалар" мавзусида республика конференцияси бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси И.Ҳалимбеков, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси А.Саидов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси И.Абдуллаев, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори М.Ҳазратқулов, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти лойиҳа раҳбари С.Дониёров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида оммавий ахборот воситаларининг демократик ислоҳотлар жараёнидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш, эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник шароит ва имкониятларни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси миллий журналистиканинг жамият ҳаётидаги таъсирини янада ошириш имконини бермоқда. Концепция доирасида 2014 йил 5 майда қабул қилинган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун фуқароларнинг ахборот эркинлигига оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, давлат ва жамоатчилик ўртасида очиқ ва самарали мулоқот ўрнатишда ОАВнинг роли ва таъсирини янада кучайтириш имконини бермоқда.

Матбуотнинг таъсирчанлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги долзарб масалаларга кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш, журналистларнинг касб маҳорати ва масъулиятини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошида ташкил этилган мониторинг гуруҳи самарали фаолият олиб бормоқда. Мазкур гуруҳ соҳа учун яратилаётган имкониятлардан оммавий ахборот воситаларининг қай тарзда фойдаланаётгани, матбуот ва телерадиодастурларда эълон қилинаётган танқидий-таҳлилий материаллар натижаси кундалик ҳаётимизда қандай самара бераётгани ва бошқа долзарб масалаларни муттасил ўрганиб бормоқда.

Айни пайтда мазкур мониторинг журналистларни ўз фаолиятига танқидий ёндашишга, кўпроқ изланишга, билим ва маҳоратини чархлашга ундаётир. Шу вақтга қадар гуруҳ томонидан 5500 дан ортиқ материал ўрганилиб, улар юзасидан қатор таҳлилий мақолалар эълон қилинди. Бу жамиятимизда фикрлар хилма-хиллигини таъминлаш, журналистларнинг ихтисослашувига, ёш ижодкорларнинг билим ва малакасини ошириб боришга, фаол журналистик позицияси шаклланишига кўмаклашишда муҳим омил бўлмоқда.

Тадбирда ОАВ фаолиятини такомиллаштиришда ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар билан ижтимоий ҳамкорликни янада кучайтириш бўйича фикр алмашилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Наманганда БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан ҳамкорликдаги "Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси иккинчи босқичи якуни ҳамда 2016 йилга мўлжалланган режалари муҳокамасига бағишланган мулоқот бўлиб ўтди.**

**• Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллиги олдидан Самарқанд шаҳридаги 3-фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими ва 7-давлат нотариал идорасининг янги биноси фойдаланишга топширилди.**

**• Фарғонада "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танлов иштирокчилари мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётидаги ўзгариш ва янгиликлар, ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ҳақида маърузалар қилди.**

**• Нукусда "Ўзбекистонда ёшлар тадбиркорлиги: ҳолати ва истиқболлари" I ёш тадбиркорлар бизнес-форумининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.**

**• Тошкент вилоятида жорий йилнинг ўтган даврида хотин-қизлар учун қарийб 26 минг янги иш ўрни яратилди. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган 9 ойида 70 дан ортиқ бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ўтказилган. Унда 5 мингга яқин корхона ва ташкилот 38 мингдан зиёд бўш иш ўринлари билан қатнашган. Ярмаркаларда 1274 аёл ишга жойлашиш учун йўлланма олган.**

**• Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қайта реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Муассасада спортнинг бир неча тури билан мунтазам шуғулланиш учун барча шароит яратилган.**

### ЖАҲОНДА

**• Германиянинг турли аксессуарлари билан жаҳонга машҳур "Montblanc" компанияси томонидан минтақалар вақтини кўрсатиб турувчи ручка ишлаб чиқарилди. "StarWalker World Time" номи берилган ушбу ёзув қуроли корпусига жаҳон харитаси ҳамда вақт ўлчови лазер ёрдамида ўйиб туширилган. Кераклли минтақадаги соатни билиш учун ручка пойнагини бураш кифоя.**

**• Канаданинг "Bombardier" компанияси поезд ишлаб чиқарувчи бўлинмасидаги улушининг 30 фоизини йирик акциядорларидан бири — Квебек провинцияси Пенсия жамғармасига 1,5 млрд. АҚШ доллари эвазига сотди. Бу ҳақда "Bioomberg" ахборот манбаси хабар тарқатди. Гап шундаки, октябрь ойида Квебек маъмурияти мазкур корхонага "CSeries" русумидаги ихчам самолётлар етказиб бериш лойиҳасини амалга ошириши учун 1 млрд. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритганди. Аммо унинг рўёбга чиқарилиши анча чўзилиб, молиявий қийинчиликлар юзага келди.**

**• "Windows" смартфонларининг дунё бозоридаги қиймати, гарчи янги операцион тизим ("Windows 10") чиқарилган бўлса-да, деярли икки баробар арзонлашди. "Gartner" тадқиқот маркази маълумотига кўра, шу йилнинг учинчи чорагида ушбу турдаги мобиль алоқа воситаларидан 5,87 миллион дона сотилган. Ваҳоланки, ўтган йили бу кўрсаткич 9 миллионта бўлган.**

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни




# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК МУҲОФАЗАСИ ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.**
Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 42-моддасидан

***Аждодлардан мерос бебаҳо маънавий хазина ва маданий ёдгорликлар қайта тикланиб, халқимизга етказилиши билан бир қаторда замондош ижодкорлар, ихтирочилар эркин ва самарали фаолият юритиши учун юртимизда барча зарур шарт-шароит яратилган. Бу мамлакатимизда интеллектуал мулк ривожига, соҳанинг нафақат маънавий ҳаётимизда, балки иқтисодиётдаги ўрни мустаҳкамланишига хизмат қилаётир.***

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ушбу йўналишда халқаро интеграцияни изчил йўлга қўйгани муаллифлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлаётир. Жумладан, мамлакатимиз 1991 йилда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти аъзолигига қабул қилинган бўлса, 2005 йил 19 апрелдан Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси қоидалари юртимизда амал қила бошлади.

Пойтахтимизда муаллифлик ҳуқуқи соҳасида замонавий тенденциялар ҳамда контрафактга қарши курашиш самарадорлигини ошириш масалаларига бағишлаб ташкил этилган халқаро семинарда шулар ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ҳамда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси масъул ходимлари ҳамда хорижий давлатлардан экспертлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги директори вазифасини бажарувчи М.Бобожонов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида интеллектуал мулк ривожига доимий эътибор қаратиб келинаётганини таъкидлади.

– Ўзбекистонда интеллектуал мулк соҳасининг мустаҳкам қонунчилик асослари яратилган, – дейди ЎзА мухбирига Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг бўлим бошлиғи С.Тлевлесова. – Бу мамлакат Конституциясида ўз ифодасини топгани, соҳага оид алоҳида қонун қабул қилингани ва уларнинг халқаро стандартларга мувофиқлиги муаллифлар манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

2006 йил янги таҳрирда қабул қилинган "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонун муаллифларнинг ҳуқуқини таъминлаш, меҳнатини рағбатлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 24 майдаги "Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Чунки шу асосда интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсати юритилиши йўлга қўйилди.

Мазкур агентлик ваколатларининг кенгайтирилгани, жумладан, унга ихтиролар, саноат намуналари, фойдали моделлар, товар белгилари ҳамда бошқа интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш, интеллектуал мулк объектлари эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифаси юклангани соҳадаги ишлар самарадорлигини оширишга замин яратди.

Қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида агентлик тегишли ташкилотлар билан тузилган ишчи гуруҳлари ҳамкорлигида аҳоли гавжум жойлар, бозорлар, савдо комплекслари ва шохобчаларда контрафакт фонограмма ва аудиовизуал маҳсулотлар савдоси амалга оширилишининг олдини олиш бўйича мониторинг олиб бормоқда. Натижада жорий йилнинг тўққиз ойида 624 қонунбузилиш ҳолати аниқланди. Бу ҳақда Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасига 178,7 мингга яқин аудиовизуал маҳсулот, фонограмма ва ЭҲМ учун яратилган дастурлар бўйича эксперт хулосалари берилди. Шунга асосан умумий қиймати 1,8 миллиард сўмликдан ортиқ контрафакт маҳсулотларни йўқ қилиш чоралари кўрилмоқда.

Семинарда иштирокчилар интеллектуал мулк соҳасига оид Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва бошқа давлатлар тажрибаси ҳамда муаллифлик ҳуқуқи соҳасидаги халқаро шартномалар бўйича ўзаро фикр алмашди.

**Норгул АБДУРАИМОВА**

***Мамлакатимиз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бундай жамиятда эса, фуқаролар манфаати, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида эъзозланиши, улар томонидан кўтарилган қонун доирасидаги ҳар қандай масала, муаммо ва мурожаатлар тегишли тартибда ўрганиб чиқилиши шарт.***

# КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАР ҚОНУНАН КАФОЛАТЛАНГАН

Зеро, Бош Қомусимизнинг 35-моддасида белгиланганидек, "Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт".

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 3 декабрда қабул қилинган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни Конституциямизнинг мазкур моддасини янада ривожлантириб, мамлакатимиз фуқаролари ҳамда юридик шахсларининг мурожаат қилишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини қонунан кафолатлайди.

Мурожаатлар тўғрисидаги янги Қонунда мурожаатларнинг шакллари, турлари, уларга қўйиладиган талаблар, мурожаатлар бўйича иш юритиш тартиби, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш ҳуқуқларининг кафолатлари, мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари тўлиқ ва батафсил баён этилган. Қонундаги муҳим янгиликлардан бири – бу Қонуннинг 8-моддасига биноан давлат органларининг раҳбарлари ёки бошқа ваколатли шахслари томонидан сайёр шахсий қабулларнинг ташкил этилишидир. Ушбу Қонуннинг ижро этилиши амалиёти шундан далолат бериб турибдики, ўтказилаётган ушбу қабулларда нафақат жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ҳал этилмоқда, балки уларга янги Қонуннинг мазмун-моҳияти ҳам батафсил тушунтириб борилмоқда.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари давлат органлари фаолияти учун ўзига хос "барометр" ролини бажаради, чунки мазкур мурожаатлар давлат органлари фаолиятидаги камчилик ҳамда нуқсонларни очиб бериб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлайди.

Мазкур Қонун барча давлат органлари учун дастуриламал ҳужжат бўлиб, бирорта ҳам мурожаатнинг эътиборсиз қолмаслигига хизмат қилади.

**Нурия ШОҲНАЗАРОВА,**
**Чилонзор туманидаги**
**6-сонли давлат нотариал идорасининг**
**нотариуси**

# ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Давлатимиз раҳбари фармойишига мувофиқ 5-6 ноябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган Халқаро инвестициявий форумда Корея Республикасининг юздан ортиқ компанияларидан 170 дан зиёд вакил иштирок этди. Форум доирасида жанубий кореялик бизнесменлар билан қиймати 1,1 миллиард АҚШ долларига тенг шартномалар имзоланди.

Бизнес-форумда мамлакатимизнинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти, нефть-кимё саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, фармацевтика каби соҳалардаги имкониятлари хусусида сўз юритилди. Корея Республикаси ишбилармонлари мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш кафолатлари, "Навоий", "Жиззах" ва "Ангрен" индустриал зоналаридаги катта қулайлик ва имтиёзлар билан атрофлича таништирилди.

Корея Республикасининг қирққа яқин компанияси вакиллари иштирок этган ушбу анжуманда икки мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятларидан янада самарали фойдаланиш юзасидан фикр алмашилди. Савдо, иқтисодиёт, саноат, машинасозлик, энергетика, электротехника, кимё, фармацевтика ва қурилиш каби соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, Корея Республикаси компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига янада кенг жалб этишга оид масалалар муҳокама қилинди.

– Компаниямиз қурилиш соҳаси учун зарур бўлган сендвич панеллари ва автомобилсозлик учун мўлжалланган изоляция материаллари ишлаб чиқаради, – деди ЎзА мухбирига "Dali Trade" компанияси президенти Ли Санг Кю (Корея Республикаси). – Анжуман доирасида Ўзбекистоннинг турли соҳалардаги улкан салоҳияти ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлдик. Биз Ўзбекистоннинг истиқболли бозорини чуқурроқ ўрганиб, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ниятидамиз.

Шу куни Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Корея Республикаси ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат тадбиркорлари ўзаро манфаатли ва истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан фикрлашиб олди.

**Ирода УМАРОВА**

# ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ: ЎЗБЕКИСТОН ВА ЕВРОПА ТАЖРИБАСИ

***Тошкентда "Жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари: Ўзбекистон ва Европа давлатлари тажрибаси" мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Тадбир Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлар гуруҳи, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг мамлакатимиздаги лойиҳалари координатори, Европа Иттифоқи комиссияси делегацияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда депутатлар, Экоҳаракат фаоллари, ЕХҲТ, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакиллари, Франция, Австрия, Буюк Британия, Бельгия, Япония, Латвия, Сингапур, Ҳиндистон каби давлатлар ҳамда Европа Иттифоқи комиссияси делегациясининг мутахассис ва экспертлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Б.Алихонов, қуйи палатанинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг раиси А.Саидов, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси раҳбари Ю.Штерк, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Д.Сабо ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш, экологик назоратни амалга ошириш, бу жараёнда кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш борасидаги ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилаётганини таъкидлади.

2008 йил 25 декабрда қабул қилинган "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 15 депутатлик ўрни Ўзбекистон Экологик ҳаракатига ажратилиши халқимизнинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқини кафолатлаш, аҳоли саломатлигини яхшилаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг амалдаги самарасидир.

– Ўзбекистонда атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш, она табиатни асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган ишлар бизда катта таассурот қолдирди, – дейди Латвия Республикаси атроф-муҳит муҳофазаси ва ҳудудий ривожланиш вазири К.Герхардс. – Айниқса, мамлакатингиз парламентида Экоҳаракат депутатлар гуруҳи фаолият кўрсатаётгани атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришда жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол иштирок этиши учун қулай имкониятдир.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ 2013 йил 27 декабрда қабул қилинган "Экологик назорат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни экологик назоратни амалга ошириш, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлиги мониторинги соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва ролини аниқ белгилаш, жамоатчиликнинг экологик масалалардаги иштирокини таъминлашда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

– Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишига кенг жамоатчиликни жалб этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда, – дейди Сингапур Атроф-муҳит кенгаши ижрочи директори Эдвин Си. – Жумладан, таълим муассасаларида ёш авлоднинг экологик маданиятини юксалтиришга қаратилган ўқув дастурлари жорий этилгани экологик назоратда фуқароларнинг фаоллигини ошириш имконини беради.

Давра суҳбатида маҳаллий ва хорижий экспертларнинг экологик назорат бўйича мамлакатимиз ва хориждаги қонунчилик базаси ҳамда уни амалга татбиқ этишда жамоатчилик иштироки, фуқаролик жамияти институтлари бу жараёндаги иштирокининг ҳуқуқий механизмлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш тизимларида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни, жамоатчилик эшитуви маҳаллий экологик масалаларни ҳал этиш жараёнига аҳолини жалб этишнинг самарадор шакли экани, атроф-муҳитни ифлослантириш хавфини мумкин қадар қисқартиришнинг меъёрлари сингари мавзуларда маърузалар тингланди.

**Б.БОЗОРОВ,**
**ЎзА мухбири**


Темур Мамадаминов олган сурат

# СЕРЖАНТЛАР ҚАСАМЁД ҚИЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясининг ўқув-дала полигонида Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсларининг навбатдаги курсантлари ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат қасамёдини қабул қилди.***

Шу муносабат билан бу ерда тантанали тадбир ташкил этилди. Унда Ички ишлар вазирлиги хизматлари раҳбарлари, ИИВ академияси раҳбарлари, ўқитувчилари ва курсантларнинг ота-оналари ҳамда яқинлари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси раҳбари Ш.Икромов ва бошқалар мамлакатимиз ички ишлар тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида соҳада замонавий касб кўникмаларига эга кадрлар тайёрланаётганини таъкидлаб ўтишди. Мазкур таълим даргоҳини тамомлаган кадрлар, хусусан, сержантлар бугунги кунда юртимиз тинчлиги ва осойишталиги, жамоат тартиби ҳамда фуқаролар дахлсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсларида Ички ишлар идораларининг патруль-пост, йўл ҳаракати хавфсизлиги, хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш, қўриқлаш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш каби бир қатор йўналишларда курсантлар таҳсил олади. Ҳозирга қадар мазкур даргоҳда минглаб сержантлар тайёрланди. Бугунги кунда улар ички ишлар органларида ўз хизмат вазифаларини муваффақиятли бажариб келмоқдалар.

Бугунги курсантлар ҳам ўзларига билдирилаётган ишончни оқлашга, ўқиш давомида соҳанинг сир-синоатларини пухта эгаллаб, келажакда юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида сидқидилдан хизмат қилишга онт ичдилар.

– Бугун биз учун унутилмас кун, чунки қасамёд қабул қилиш билан бирга осойишталик посбонлари бўлиш учун илк қадамни ташладик, – дейди курсант А.Турғунов. – Галдаги мақсадимиз ушбу билим даргоҳида ички ишлар идоралари ходимлари учун зарур бўладиган маънавий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий билимларни ҳамда касбий кўникмаларни мукаммал эгаллаб, юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлиги учун хизмат қиладиган малакали кадр бўлиш.

Тантанали маросим иштирокчилари курсантларнинг ўқиши ва кейинги фаолиятига улкан муваффақиятлар тилашди.

**Абдуалим САЛИМОВ**

Анжуманлар

# ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ — ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

***Шаҳримизда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси томонидан "Жамоатчилик назоратини таъминлашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва аҳамияти" мавзусида семинар ташкил этилди.***

Тадбирда институтнинг ҳудудий бўлинмаси мутахассислари, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси вакиллари, "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Тошкент шаҳар ва туман бўлинмалари раислари, ҳар бир тумандаги фаол ва тажрибали фуқаролар йиғинлари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, соҳанинг тажрибали экспертлари ва ОАВ вакиллари қатнашди.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида давлат ва жамият ҳаётини янада демократлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш йўлида ислоҳотлар жараёни кечмоқда. Хусусан, давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан фуқаролик жамияти институтларининг асосий бўғини бўлган маҳалла институти, ўзини ўзи бошқариш органларига қаратилаётган эътибор самарали натижалар бермоқда. Бугунги кунда барча соҳаларда маҳалланинг ўрни ва роли ошиб бораётганлиги сир эмас. Чунки, ўзини ўзи бошқариш органлари мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаб, барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларда фаол қатнашаётганлиги барчамизга маълум.

Айниқса, маҳалланинг жамоатчилик назорати билан боғлиқ фаолияти ҳам тобора кенгайиб, шундай назоратни амалга оширувчи асосий субъектлардан бирига айланиб бормоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, жамоатчилик назорати – фуқаролик жамиятининг асосий хусусиятларидан бири бўлиб, унда фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиги, давлат органларида ишлаётган ҳар бир раҳбар ходимнинг ўз фаолиятининг жамоатчилик назорати остида эканини чуқур ҳис этиб туриши тушунилади ва бу жараён жамият ривожида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунининг 11-, 16-моддаларида белгиланган, ҳар чоракда олиб борилиши кўзда тутилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш амалиётини кенг жорий қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш орқали жамоатчилик назоратини олиб бориш, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни кучайтириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари доирасида ўрни ва роли ҳамда нуфузини янада оширишдан иборат.

— Бугунги семинарда фуқаролар йиғинларининг жамоатчилик назорати ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссияси фаолияти самарадорлигини янада ошириш юзасидан фикр алмашилди, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Олмазор туман бўлинмаси бош мутахассиси Омина Раҳимбердиева. — Жамоатчилик назоратини ўрнатиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқаролар йиғинлари ходимларининг етарлича ҳуқуқий билимга эга бўлиши муҳимдир. Бу каби ўқув-семинарларида олган билим ва кўникмаларимиз бизга асқотиб келмоқда. Туманимизда 58 та маҳалла мавжуд бўлиб, маҳаллаларда жамоатчилик назоратини ўрнатиш, истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Аҳоли томонидан ёзма ва оғзаки мурожаатларнинг ҳал этилишида ёрдам бериб келинмоқда.

Анжуман давомида "Жамоатчилик назорати – фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омили", "Жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқаролар йиғинлари зиммасига юклатилган вазифалар ва уларни амалга ошириш масалалари", "Ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда фуқаролар йиғинлари ходимларининг чораклик ҳисоботларини эшитиш жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг муҳим воситаси" мавзуларида маърузалар тингланди.

Ўқув-семинарда фуқаролар йиғинлари вакилларига уларнинг ваколатига кирувчи вазифалар, яъни ўз ҳудудларида қонунлар ва қонун ости ҳужжатларининг ижро этилиши, тегишли чоралар кўрилиши учун давлат органларига мурожаат қилиш, давлат органлари ваколатига кирувчи ва ижтимоий аҳамиятга молик масалалар бўйича сўровлар юбориш шаклларида жамоатчилик назоратини амалга ошириш, шу жумладан, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш сифати, иморатлар қуриш ҳамда ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни сақлаш қоидаларига риоя этилиши, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиб-тамойиллари мисоллар орқали тушунтириб ўтилди.

Семинар сўнгида иштирокчиларга жамоатчилик назоратини амалга ошириш шакллари, ўтказилган ҳисобот йиғилишларини расмийлаштириш тартиб-қоидалари ҳамда уларни тегишли бошқарув идораларига юбориш, унинг натижаларини ўрганиш бўйича тавсиялар берилди.

**Зиёда РАСУЛОВА,**
**Мавлуда ТАДЖИЕВА,**
**ФЖШМҚМИ Тошкент шаҳар**
**ҳудудий бўлинмасининг етакчи мутахассиси**

***Пойтахтимизда “Эртанги кун бизники, марра бизники!” шиори остидаги Ёшлар ҳафталиги доирасида мода ва дизайн фестивали юксак савияда ўтказилди.***

**Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда**

# ГЎЗАЛ ЛИБОСЛАР НАМОЙИШИ

Ушбу ҳафталик доирасида миллий ва замонавий либослар дефилеси, кўргазма ва маҳорат дарсларини ўз ичига қамраб олган мода ҳамда дизайн фестивали уюштирилди.

Ўзбекистон Бадиий академиясида “Шарқ либослари” дизайн маркази, “Осиё рамзи” Ўзбекистон дизайнерлар ва модельерлар уюшмаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган “Мода лабораторияси” либос моделлари ҳам шулар жумласидандир.

“Мода лабораторияси” намойишидан миллий, замонавий ва дунё модалари асосида яратилган либослар, халқ амалий санъати намуналари ўрин олди. Тақдим этилган замонавий, миллий жаҳон модалари асосида яратилган либослар, халқ амалий санъати намуналари фестиваль иштирокчиларига манзур бўлди.

Айниқса, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти, Республика рассомчилик касб-ҳунар коллежи ва бир қатор таълим муассасаларининг мутахассислик йўналишларида таҳсил олаётган ёшлар ва эркин ижодкор дизайнерларининг ижодий ишлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

— Истиқлол йилларида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди, — дейди биз билан суҳбатда Ёшлар ижод саройи санъатшуноси Заҳро Аюпова. — Мамлакатимизда йигит-қизларни ҳар томонлама соғлом, билимли, салоҳиятли этиб вояга етказишда, иқтидор эгаларининг ижод ва билим чўққиларини эгаллашига кўмаклашишда барча шарт-шароитлар яратилган. Бугунги кун ёшлари ана шундай имкониятлардан оқилона фойдаланиб келмоқдалар. Бу ерда ёшларнинг қалбдан яратилган санъат асарларини кузатган меҳмонлар кўплаб маълумотларга эга бўлиб, бир-бирлари билан фикр алмашдилар.

Фестиваль якунида энг сара ижод намуналарининг муаллифлари рағбатлантирилди.

# БОЛАЖОНЛАР — ШИРИНТОЙЛАР

***Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтган “Болажонлар — ширинтойлар” болалар мода фестивали ҳам ҳафталик доирасидан жой олди.***

Тадбир “Осиё рамзи” Ўзбекистон дизайнерлар ва модалар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда маҳоратли ижодкорлар, ёш дизайнерлар, болалар ижодиёти марказлари ва мамлакатимиздаги бир қанча мода мактабларининг вакиллари иштирок этди.

Тадбирда болаларга мўлжалланган маҳаллий матолардан экологик тоза либослар яратиш ғояси илгари сурилган бўлиб, бу дизайнер ва модельерларга тажриба ҳамда фикр алмашишда қўл келмоқда.

Ушбу фестивалга тақдим этилган болалар либосларининг энг яхши намуналари юртимиздаги тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарида кенг миқёсда ишлаб чиқариш учун тавсия этилади.

**Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА**



**СУРАТДА: тадбирдан лавҳа**
**Алексей Попов олган сурат**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


**“CAPITAL REALTOR GROUP” МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

“Capital Realtor Group” МЧЖда 2015 йил 22 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

1. Юнусобод туман СИБ томонидан, 2012 йил 12 ноябрь кунги 10-1218/19834-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Юксалиш кўчаси, 26-уйда жойлашган, умумий майдони 780 кв.м. бўлган 2 қаватли дўкон. Бошланғич нархи 1 802 694 000 сўм.

2015 йил 29 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Юнусобод туман СИБ томонидан, 2014 йил 3 ноябрь кунги С-3-Ю-1-11-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Бекматов кўчаси, 48-уйда жойлашган, умумий майдони 511 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш биноси. Бошланғич нархи 651 276 000 сўм.

2. Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан, 2015 йил 21 сентябрь кунги 1-79/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Юзработ кўчаси, 30А-уй, 11-хонадонда жойлашган, фойдали майдони 56,64 кв.м., яшаш майдони 37,81 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи 194 984 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич нархининг 20% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда “Capital Realtor Group” МЧЖнинг “Капиталбанк” АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел.: (0-371) 250-19-24.

*Лицензия: № RR-0017.*



*Диққат! Диққат! Диққат!*

*Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, “Respublika mulk markazi” AJ “Poytaxt filiali” бошланғич нарх босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат улушлари қўйилади.

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 53-уй манзилида жойлашган “Иссиқликқувваттаъмир” масъулияти чекланган жамияти устав фондидаги 51,06 фоиз давлат улуши.

**Бошланғич нархи – 2 629 830 130 сўм;**

Балансда сақловчи: “Иссиқликқувваттаъмир” МЧЖ.

Фаолияти ихтисоси: қурилиш-монтаж ишлари, квартал ичидаги ва магистрал иссиқлик ўтказиш шохобчаларининг қурилиши ва капитал таъмирлаш ишлари, коммунал хўжалиги объектларини умумий қурилиш ишлари.

Савдо ташкилотчиси: “Respublika mulk markazi” AJ “Poytaxt filiali”, Тошкент шаҳри, Мирободтумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй. Телефон: (0-371) 236-38-28. веб-сайт: www.rmm.uz. электрон почта манзили: user01@inbox.uz. Гувоҳнома: 001580.

**Аукцион савдоси 2015 йил 25 декабрь куни соат 15:00 да ўтказилади.**

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолар 2016 йил 11, 25 январь, 8, 22 февраль, 7, 23 март, 6, 20 апрель, 4, 19 май, 2, 16, 30 июнь кунлари соат 15:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси (“Respublika mulk markazi” AJ “Poytaxt filiali”)нинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ “Ипак йўли” Сағбон филиалидаги ҳ/р: 20210000500571452141, МФО: 01036, СТИР: 200933850. ОКОНХ: 83300.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй.

Маълумотлар учун телефон: (0-371) 236-38-28. Факс: (0-371) 236-38-28.

Электрон почта: user01@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.rmm.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

**Савдоларга марҳамат қилинг!**



**“SAFO TIBBIYOT”** Хизматлар лицензияланган

**ТЕРАПИЯ.** Қуйидаги касалликларга ташхис қўйилади ва даволанади: бронх-ўпка тизими; юрак-қон томир тизими; ошқозон-ичак тизими; жигар, ўт пуфаги, таянч-ҳаракат аппарати.
**ОТОЛАРИНГОЛОГИЯ (ЛОР).** Тонзиллит, синусит, фарингитларни ташхислаш ва даволашнинг барча турлари. Эшитувни протезлаш. Аудиометрия.
**ОФТАЛЬМОЛОГИЯ.** Глаукома ва катарактани бошланғич босқичда ташхислаш. Юқори кўз босимини контактсиз тонометрда ўлчаш. Мураккаб астигматик кўзойнакларни танлаш.
**ЖАРРОҲЛИК (колопроктология).** Бавосил, ёриқлар ва тўғри ичакни ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволаш.
**УРОЛОГИЯ.** Ташхислаш ва даволаш: эркаклар ва аёлларда TORCH-инфекциялар, эркаклар бепуштлиги, варикоцеле, циркулецизия.
**ГИНЕКОЛОГИЯ.** Ҳомиладорликни кузатиб бориш. Ташхислаш ва даволаш: эрозиялар, шиллиқ парда ўсимтаси (полип), шишлар, миома, лейкоплакия, TORCH-инфекциялар.
**ПЛАСТИК ЖАРРОҲЛИК.** Юқори сифатда. Юз пластикасининг барча турлари (кўз қовоғи, бурун, лаблар); қулоқ супраси; қоринни торттириш; чандиқ ва теридаги тиртиқларни олиб ташлаш; плазмолифтинг; оёқлардаги томир юлдузчаларини олиб ташлаш.
**ИНСТРУМЕНТАЛ ТАШХИСЛАШ.** Гастроскопия; колонофиброскопия; Nihon Kohden (Япония) аппаратида ЭКГ қилиш; ФУКУДА (Япония) аппаратида томирларни текшириш; ЭЭГ; колькоскопия.
**УЗИ-ТАШХИСЛАШ.** Барча турлари. Рақамли рентген-ташхислаш: таянч-ҳаракат аппарати, бош суяги, бронх-ўпка тизими, бачадон найчаси (гистеросальпингография), буйрак (урография), ошқозон-ичак тизими, йўғон ичак (ирригография), остеопорозни ташхислаш (денситометрия).
**ЛАБОРАТОРИЯ ТАШХИСИ.** Қон таҳлилининг барча турлари: клиник, биокимёвий, гормон; TORCH-инфекция. Шишга оид маркерлар.

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ НЕВРОЛОГЛАР, ПЕДИАТРЛАР, ОРТОПЕД (БОЛАЛАР) ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.
Муолажа кабинети мавжуд. Касалларни қабул қилиш 9.00 дан 18.00 гача.
Шифокор қабулига олдиндан ёзилиш қуйидаги телефонлар орқали амалга оширилади.
Тел.: 200-50-56. 200-50-55, (+99895) 169-50-38, (+99895) 169-50-39, (+99898) 127-94-70, 128-94-10.
Рентгенга ёзилиш учун телефонлар: (+99871) 255-95-50 ва (+99898) 305-36-39.
Манзил: Кичик Миробод кўчаси, 21. WWW.SAFOUZ.COM



**“NEW ESTATE ACTION” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдоларига: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани СИБ томонидан:

**1.** 2015 йил 10 сентябрдаги ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чорбоғ 2-тор кўчаси манзилида жойлашган: ер участкасининг умумий майдони 3266,0 кв.м., умумий майдони 546,0 кв.м., қурилиш ости майдони 859,0 кв.м.дан иборат бўлган “1 қаватли бино ва иншоотлар” савдога қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси – 399 387 600 сўм.**

**Аукцион савдоси 2015 йил 28 декабрь куни соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача), аукцион бошланишидан, бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “NEW ESTATE ACTION” МЧЖнинг АИТБ “Ипак йўли” Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт, ҳ/р: 20208000104995394001, МФО: 01101, ИНН: 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел: 254-69-13. Хизматлар лицензияланган: **Лицензия: RR-0148.**


# АСОСИЙ ЭЪТИБОР МЕҲР-МУРУВВАТ ИШЛАРИГА ҚАРАТИЛАДИ

***Бугунги кунда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти таркибида 11 та туман бўлимлари, 215 та бошланғич ташкилотлар ва 155 мингдан ортиқ аъзолар мавжуд. Улар “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ва куни кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти XXI қурултойида кўрилган масалалар юзасидан қабул қилинган қарорлари, жамият низоми талабларини бажариш ҳамда Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Федерацияси томонидан 2015-2020 йилларга мўлжалланган стратегик режа бўйича белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш йўлида фаолият кўрсатмоқда.***

Меҳр-мурувват Қизил Ярим ой жамияти фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланади. Бу йўналишда юзлаб қария ва ногиронлар, боқувчисини йўқотган ҳамда кам таъминланган оилаларга беминнат ижтимоий ва тиббий ёрдам кўрсатилади. Жамият бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари, оилавий шифокорлар, шунингдек, маҳаллалар билан ҳамкорликда иш олиб боради. Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, Қизил Ярим ой жамияти томонидан пойтахтимизда истиқомат қилувчи жамият тасарруфига олинган 269 нафар ёлғиз карияларга 15 нафар меҳр-шафқат ҳамширалари мунтазам равишда манзилли ёрдам кўрсатадилар. Уйларига ташриф буюриб ҳолидан хабар олиб турадилар. Улардан 34 нафари стационарларда даволаниб чиқди. Шифокорлар томонидан тавсия этилган дори-дармонлар беморларга ўз вақтида беминнат етказиб турилади.

“Кексаларни эъзозлаш йили”да жамият зиммасига Давлат дастурида белгиланган вазифаларга асосан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, шаҳримизда истиқомат қилувчи 100 ва ундан катта ёшдаги 25 нафар кишини улуғлаш бўйича ўтказилаётган “Аср билан юзма-юз” тадбирларида фаол иштирок этиб, уларнинг хонадонларига ташриф буюрган ҳолда совға саломлар тарқатиб, кексаларнинг дуоларини олишга муяссар бўлишмоқда. Шу билан бирга, 80-90 ёшли отахон ва онахонларимиз ҳам унутилмади. Пойтахтнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштирилди.

Фавқулодда вазиятлар муайян тайёргарликни талаб этади. Албатта, Қизил Ярим ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилотининг асосий вазифаларидан бири ҳам фавқулодда вазиятларда биринчи ёрдам кўрсатишдир. Бу борада жамият томонидан халқ хўжалиги объектларида санитар дружиналари ва санитар постлари ташкил қилинган. Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган бир неча корхона, ташкилот ва муассасаларда тузилган санитар дружиналари фавқулодда вазиятлар бўйича ўтказиладиган амалий машғулотларда иштирок этиб, ўз малакаларини янада ошириб борадилар. Бундай тадбирлар асосан халқ хўжалиги объектларининг фавқулодда вазиятларга қай даражада тайёрлиги, ходимларининг биринчи ёрдам кўрсатиш асосларини қай даражада билишларини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

14 ноябрь куни Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти ташкил топганига 90 йил тўлди. Шу муносабат билан умумтаълим мактабларида, ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари, олий ўқув юртлар талабалари ҳамда маҳаллаларда аҳоли иштирокида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилиб жамият тарихи тўғрисида маълумотлар берилиб тақдимотлар ташкил этилди.

Ҳозирги кунда 15 та олий ўқув юртларида, 60 дан ортиқ коллеж ва академик лицейларда Қизил Ярим ой жамиятининг бошланғич ташкилоти тузилган бўлиб, талаба ёшлар ўз ихтиёрлари билан жамият аъзолигига қабул қилинмоқдалар.

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти томонидан инсонпарварлик йўлида амалга оширилаётган ишлар кўп қирралидир. Шу боис бундай хайрли ва савобли ишларда ҳар биримиз ўз хиссамизни қўшишимиз мумкин. Мухтожларга ёрдам қўлини чўзиш миллатимизга хос удум. Мана шу удумга содиқ қолиб, мурувватингизни аямайсиз деган умиддамиз.

Яна бир бор эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилотининг 2016 йилдаги фаолиятини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида шаҳар ҳокимининг 2015 йил 5 ноябрдаги 200-ф сонли фармойишига мувофиқ жорий йилнинг 16 ноябридан бошлаб жамият ҳисобига хайрия йиғиш ўн кунлиги ўтказилмоқда.

Саховатпеша ҳамшаҳарларимиз, корхона ва ташкилотларга Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилотининг ҳисоб рақамини билдирамиз:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бош амалиёт бўлими: Ҳ/Р: 20212000900126451001; МФО: 00407; ИНН: 200896573; ХХТУТ: 98600.

Маълумот учун телефонлар: 248-79-25; 248-24-94;

**Спорт янгиликлари**

# СПОРТ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

***Ёшларни ҳар жиҳатдан соғлом, баркамол қилиб тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида Тошкент Фармацевтика институтида “Жисмоний тарбия ва спорт – саломатлик гарови” мавзуида тарғибот тадбири ўтказилди.***

Унда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти проректорлари ва ўқитувчилари, “Камолот” ЁИҲ БТ етакчиси ҳамда фаоллари, профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшлар иштирок этди.

Тадбир давомида жорий йилнинг октябрь ойида институт талабалари ўртасида ўтказилган “Ректор кубоги – 2015" (футбол спорт тури бўйича) ҳамда “Олтин куз" (стол тенниси, волейбол, армрестлинг спорт турлари бўйича) мусобақалари ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

“Ректор кубоги – 2015" турнирида 1-ўрин “Био" терма жамоасига насиб этди. “Олтин куз" спартакиадасида волейбол бўйича “Порлоқ юлдуз" терма жамоаси, стол теннисида 1-ўринга фармация факультетининг 2-босқич талабаси Содиқ Шоназаровга насиб этди. Шунингдек, армлестлинг бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Ғолибларга ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

— Бу беллашувда мини-футбол бўйича ғолибликни қўлга киритдик, — дейди “Био" терма жамоаси сардори Ўролбек Оқмуродов. — Мусобақанинг юқори савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Турнир давомида кўплаб дўстлар орттирдик. Ўйлайманки, бу каби тадбирлар давом этади.

**Наргиза КАРИМОВА**



Темур Мамадаминов олган сурат

# ГОЛЛАНДИЯЛИК ВАКИЛЛАР “БУНЁДКОР”ДА

***Тошкентнинг “Бунёдкор” жамоаси билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатаётган Роттердамнинг “Фейеноорд” клуби вакиллари пойтахтимизга ташриф буюришди.***

Дастлаб “Бунёдкор” стадионига “Фейеноорд” футбол клуби менежери Гидо Даниэль Вадер ҳамда халқаро алоқаларни ривожлантириш бўйича мутахассис Боэль Мелвин Жулиан ташриф буюрди. Голландиялик меҳмонларга “Бунёдкор” футбол мактабида яратилган шароитлар билан танишишда “Қалдирғочлар”нинг собиқ бош мураббийи Сергей Лушчан ҳамроҳлик қилди.

Шундан сўнг “Фейеноорд” вакиллари “Бунёдкор” стадионини кўздан кечиришди. Голландиялик мутахассислар улкан спорт иншооти билан танишар эканлар, бу каби йирик спорт мажмуаси Европанинг кўзга кўринган жойларида ҳам камлигини таъкидлаб ўтишди.

— Қишки йиғинларимиз доирасида “Бунёдкор” жамоаси билан Дубай шаҳрида назорат учрашуви ўтказган эдик. Ўша учрашув 1:1 ҳисобида якун топгани эсимда. Бу ерда яратилган шароитлар билан танишар эканмиз, келажакда яна ўртоқлик учрашуви ўтказиш бўйича ҳамма имкониятлар яратилганига амин бўлдим. “Бунёдкор” стадионининг дизайни ва ундаги имкониятларни кўриб ҳайратландим, — дейди “Фейеноорд” клуби менежери Гидо Даниэль Вадер.

“Қизил лолалар” мамлакатидан ташриф буюрган меҳмонлар “Бунёдкор” стадиони дастхатлар китобига ўзларининг дил изҳорларини ёзиб қолдиришди.

**Ботир ХЎЖАЕВ**

***Учтепа туманидаги 203-умумтаълим мактабида “Ёшлар тарбиясида маҳалла ва жамоат ташкилотларининг ўрни” мавзусида тадбир ўтказилди.***

# ЁШЛАР КАМОЛОТИДА БАРЧА МАСЪУЛ

Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Учтепа тумани бўлинмаси ҳамкорлигида ташкил этилган кўчма маданий-маърифий тадбирда сўзга чиққан Республика “Оила” илмий-амалий маркази директори вазифасини бажарувчи Ҳафиза Мамадалиева, “Катта Қаъни” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдукарим Фаттоҳов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида ёшларни миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, спорт билан шуғулланиши, замонавий билим ва касб-ҳунар эгаллаши, бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, бунда “Оила – маҳалла – таълим муассасаси” ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаб ўтишди.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ижобий ўзгаришлар замирида ҳар томонлама баркамол, жисмонан соғлом, ақлан етук, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган ёш авлод тўғрисида ғамхўрлик қилишдек устувор мақсад мужассам экани табиий, — дейди Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғининг матбуот котиби Одинахон Холиқова. — Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар, миллий истиқлол ғояси, ўз Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга, ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш учун зарур шароитларни яратишга йўналтирилган.

Оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамда жамоат ташкилотлари ҳамкорлигининг самарали йўлга қўйилиши ўсмирлар орасида турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилиши, шунингдек, гиёҳвандлик, диний экстремизм, “оммавий маданият”, салбий иллатларнинг олдини олишда, уларни спортга жалб этиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишда қўл келмоқда. Тадбирда бу ҳамкорлик ёшларни ҳар томонлама баркамол, ҳам жисмонан, ҳам маънавий етук қилиб тарбиялашда, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишда ҳал қилувчи кучга айлангани алоҳида таъкидланди.

Ёшларнинг таълим-тарбиясида, уларни соғлом турмуш тарзига жалб этиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш каби ишларда ҳамкорликнинг аҳамияти ва роли хусусида ҳамкор ташкилот вакиллари ва маҳалла фаолларининг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Тадбирнинг бадиий қисмида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Олимжон Орифжонов, хонанда Нигина Исматова, Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи қошидаги “Улуғбек юлдузлари” ансамбли хонандалари Салоҳиддин Мўминов, Бахтинур Қўчқоров, Азамат Ҳамроев ҳамда халқаро фестиваллар совриндори Маҳфуза Боймирзаева бадиий раҳбарлигидаги “Дурдона” фольклор ансамбли хонандалари ижросида концерт намойиш этилди.

**Зарина РУСТАМОВА**

**“101”**

# ТЕГИШЛИ ҚОИДАЛАРГА РИОЯ ЭТАЙЛИК

***Ёнғин бир неча сонияда мол-мулк ва яқинлардан ажрата оладиган офат ҳисобланади. Олов ҳеч ким ва ҳеч нимани аямайди. Ер юзида ҳар куни юз бераётган ёнғинлар неча-неча инсоннинг ҳаётига зомин бўлади.***

Корхона, ташкилотлар, шунингдек, аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш орқали жуда катта йўқотишларнинг олдини олган бўламиз.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан олиб борилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш ҳамда уларни ёнғинларнинг олдини олишга жалб этишдан иборатдир. “Ўз уйингни ўзинг асра” деган шиор ҳар бир фуқаро, корхона ва ташкилотга тааллуқлидир.

Ҳамшаҳарларимизга қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш мақсадга мувофиқлигини эслатиб ўтамиз:

– очиқ алангадан фойдаланаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўринг;

– электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутинг ва носоз ҳолда қўлбола тайёрланган электр ва газ асбобларидан фойдаланманг;

– фақат белгиланган жойларда чекиш муҳимлигини унутманг.

Қоидаларга риоя қилиш орқали биз уйимиз, йиллаб йиққан мол-мулкимиз, қолаверса, яқин кишиларимизнинг ҳаётини асраган бўламиз. Кун совиши билан хонадонларда қўлбола ясалган асбоб-ускуналардан фойдаланиш ҳолатлари кузатилади. Ачинарлиси, бундай ҳолатлар инсон ҳаётига ҳам зомин бўлмоқда. Агарда биз оддий ёнғин хавфсизлиги қоидларига риоя қилсак, барчаси кўнгилдагидек бўлади.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари маҳалла фаоллари, хонадон эгалари, фарзандларимизни огоҳликка чақириб қолади.

**Нурмахан ЭРМЕКОВ,**
**Тошкент шаҳар 12-ҲЁХО 24-ҲЁХҚ**
**кичик инспектори, сафдор**

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан жорий йилнинг ноябрь ойининг учинчи ўн кунлигидан бошлаб Республикамиз миқёсида “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.***

# ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА!

Барча меҳнат жамоалари, маҳаллалар, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, турар жойларда ойликнинг самарадорлиги таъминланиши, ёнғинларнинг олдини олиш ва ёнғинга олиб келувчи ҳолатларнинг бартараф этилишида республикамизнинг барча фуқаролари фаол иштирок этишлари зарур.

Мазкур ойлик иқтисодий заҳираларни, моддий ва маънавий бойликларни ёнғинлардан муҳофаза этишга қаратилган. Барча меҳнат жамоалари, таълим-тарбия ва даволаш муассасалари, маҳаллалар, қишлоқ фуқаролар йиғинларида аҳоли билан учрашувлар ташкил этилиб, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб этилиши билан бирга бу йўналишдаги мавжуд муаммолар хал этилади. Ёнғинларнинг олдини олишга доир эслатма, плакатлар ишлаб чиқилиб, омма ўртасида тарқатилади. Айниқса, қишки пайтларда хонадонларда содир бўлган ёнғинларнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари фуқароларга тушунтириб борилади.

Жорий йилнинг ўтган 10 ойида ҳам муайян ишлар амалга оширилиб, республикамизни аҳоли турар жойлари, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида ёнғинлар ҳамда уларда инсонларнинг тан жароҳати олиб, ҳалок бўлиш ҳолатларининг олдини олиш, ёнғинларни тезда бартараф этиш, ўт ўчириш қисмлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шахсий таркиб фаолиятини яхшилаш, меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда қатор ижобий натижаларга эришилди ва бу борадаги саъй-ҳаракатлар бугунги кунда ҳам изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Аҳоли ўртасида ўтказилган кенг қамровли тушунтириш ишлари ҳамда газ ва электр тармоқлари идоралари билан ҳамкорликда олиб борилган профилактик тадбирлар натижасида жорий йилнинг 10 ойи давомида республикада содир бўлган ёнғинлар сони 10 минг 531 тани ташкил этиб, 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 3,4 фоизга, шунингдек, ёнғинларда инсонларнинг куйиш тан жароҳати олиш ҳолатлари 397 тани ташкил этиб, 15,5 фоизга, одамларнинг ҳалок бўлиш ҳолатлари 94 тани ташкил этиб, 29,9 фоизга камайишига эришилди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, қиш кунлари фуқароларимиз турли иситиш мосламаларидан фойдаланишади. Айрим ҳолларда кўп қаватли уйлардаги хонадонлар ичида ҳам якка тартибдаги иситиш қозонларини ўрнатиб фойдаланилаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Сўнгги пайтларда мавзеларда кўп қаватли уйлар орасидаги йўллар ҳар хил сунъий тўсиқлар билан тўсиб қўйилмоқда. Бундай уйлар олдида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Кўп қаватли уйлар орасидаги йўлларга сунъий тўсиқлар ўрнатилиши, уйларнинг атрофига баланд панжара ва ҳар хил бинолар қуриб олиниши ҳамда тунги вақтда шахсий автомобилларнинг тартибсиз ҳолда сақланиши – ёнғин содир бўлган жойга ёнғин ўчириш экипажларининг етиб бориш вақтини узайтириб, ёнғин майдонининг кенгайиб кетишига, инсонларни қутқариб олиш учун ўт ўчириш автонарвонларини ўрнатишга ҳалақит беради. Бундай ҳолатлар фуқароларимизнинг йиллар давомида машаққатли меҳнатлари эвазига барпо этилган бино, иншоот ва мол-мулкининг қисқа фурсат ичида нобуд бўлиши, энг ачинарлиси, одамларнинг тан жароҳати олиши ва ҳалок бўлишига ҳам олиб келиши мумкин.

Бугунги кунда ҳукм сураётган совуқ кунларда содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш ва уларнинг аянчли оқибатларидан республикамиз аҳолисини яна бир бор огоҳ қилиш мақсадида ўтказилаётган кенг қамровли “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” тадбирида фаол иштирок этишингизни сўраб қоламиз.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш билан сиз ўзингиз ва яқинларингизнинг мол-мулки, соғлиғи ва қолаверса, ҳаётингизни ўт балосидан асраган бўласиз.

**Д.ВАЛИЕВ,**
**ЎзР ИИВ ЁХББ бўлим бошлиғи,**
**подполковник**

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!
## “ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА”

*Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, амалга оширилаётган демократик, социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёнини босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида* ***“Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида”*** *мавзуидаги ижодий танловни эълон қилади.*

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди кўмагида ўтказилади.

**Танлов шартлари**

Танловга 2015 йилнинг 1 январидан 2015 йилнинг 1 декабригача республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон Декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги ахборот-таҳлилий, публицистик ва фото материаллар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларда чоп этилган бўлиши лозим.

Тақдим этилган материаллар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва босма нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида *(фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси)* маълумотлар илова қилинади. Танловга тақдим этилган ижодий ишлар қайтарилмайди.

**Танлов ғолибларига мукофотлар**

Ғолиблар диплом ва компьютер жамланмаси, телевизор, планшет ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Материаллар “Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида" мавзуидаги ижодий танловга" деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2015 йил 4 декабрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри – 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 2-қават, 45-хона. Тел./факс: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: fonduz@umail.uz.

***Ташкилий қўмита***

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**“KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2015 йил 20 мартдаги 1-1319/2015-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Астробод 1-тор кўчасида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 97.20 кв.м., яшаш майдони 97.20 кв.м. бўлган 5 хонадан иборат 4-уй такроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 90 000 000 сўм.**

**Аукцион савдоси 2015 йил 11 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади**. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 9 декабрь куни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда “Ko'chmas Mulk Savdo Xizmati" МЧЖнинг “Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел\Факс: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

**“ТОШКЕНТ ОҚШОМИ” ва “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.**

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида* ***25 ноябрь*** *куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража, кундузи — 10-12 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра,* ***25 ноябрда*** *Тошкент шаҳрининг об ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 1155
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 6168 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 14.10
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 4 5